

Научный вестник Бухарского государственного университета \* Scientific reports of Bukhara state University



ISSN 2181-6875

# BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI

## 3/2016

## MUNDARIJA

• <b>BUXORO TARIXI</b>	
Тўлаганов А.А., Ҳайитов Ш.А. Бухоронинг мухтасар қомуси.....	2
• <b>ANIQ VA TABIIY FANLAR</b>	
Дурдиев Д.К., Алимов Х.Н., Маматов М.Ш. Дробное интегро-дифференциальное исчисление и его приложения в теории дифференциальных игр преследования дробного порядка.....	5
Каримов А.В., Джураев Д.Р., Тураев А.А., Ёдгорова Д.М., Абдуллаев О.А. Особенности чувствительности полупродниковых многофункциональных датчиков под внешним воздействием.....	11
Курбанов К., Ганиева З.Г., Эргашев Ш.Ш. Определение механических воздействий на гидротехнические сооружения с помощью радиационных процессов в оптических волокнах.....	16
Жумаев Ж., Юлдошев Ш.С., Қобиллов К.Х. Исследование начального участка свободной струи с помощью однопараметрической модели турбулентности.....	21
Гафуров К.Х., Файзиёв Ш.И. Ибрагимов У.М. Разработка схемы и программы управления температурой и давлением растворителя в экстракционном контуре производства экстрактов из растительного сырья.....	25
Юлдашев Х.Т., Хайдаров Б.З., Касымов Ш.С. Особенности газового разряда при малых межэлектродных расстояниях в ионизационной системе.....	32
Imomova Sh.M. Matritsa xos son va xos vektorlarining tatbiqlari.....	38
Авлиякулов Н.Н., Ибрагимов М.Ю. Результативность внедрения системы менеджмента качества ИСО 9001-2008 на производственных предприятиях.....	43
Усмонов Ф.Б., Ибодов Р.К., Ҳикматов Ф.С. Темир бетон конструкциялар ишлаб чиқариладиган гелиополигонларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш имкониятлари.....	48
• <b>TILSHUNOSLIK</b>	
Бушуй Т.А. Языковой факт в общей лингвистике.....	54
Попов Д.В. Риторические приёмы в посланиях Ивана Грозного.....	59
Raizbekova A.J. Russian proverbs: lexical categorization and representation of time in them.....	63
Тошхўжаева Ш.Ф. Эркин Аъзам асарларида қўлланувчи варваризм ва вульгаризмларнинг лингво-поэтик хусусиятлари.....	68
Тухтаходжаева Н.А. Инглиз ва ўзбек тилларидаги лингвокультуремаларнинг гендер хусусияти.....	75
Тошева Д.А. Лингвокультурология ва унинг тадқиқ манбаи.....	80
Юсупов О.Н. Бадиий матн: тушунча ва дифференциал хусусиятлар.....	85
Эргашева Г.Қ. Рус ва ўзбек тилларида психологияга оид терминлар: маъно ва шакл муносабатларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар.....	89
Салоҳидинова З.О. Стилистические ресурсы фразеологизмов в поэтическом идиостиле.....	94
Ботирова А.Э. Мавҳум отларнинг бириктириш қобилияти.....	98
Очилова М.Р. Содда гап шаклидаги мақолларнинг лисоний хусусиятлари.....	101
• <b>ADABIYOTSHUNOSLIK</b>	
Ўраева Д.С. Бадиий адабиётда хизматкор образининг тимсоплаштирилиши хусусида.....	104
Ҳайитов Ш.А. Ҳилм асрори.....	110
Чориев Т.Р. Абдурауф Фитратнинг Умар Хайём рубойларини ўрганиши ва нашри хусусида.....	115
Сидоркова Л.Р. Особенности репрезентации концептосферы романа М. Булгакова «Белая гвардия».....	122
Давронова Ш.Ф. Бадиий образ: анъана ва янгилик масаласи.....	126
Қурбонов А.А. «Фарҳод ва Ширин»даги муаммолар: мазмун ва маҳорат мутаносиблиги.....	133
Амонов У.С. Ғози Олим Юнусовнинг фольклоршунослик фаолияти.....	138
• <b>NAVOIY GULSHANI</b>	
Бекова Н.Ж. «Навий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун.....».....	143
• <b>FALSAFA VA HUQUQ</b>	
Шарипова О.Т., Гуламова М.М. «Наводирул вақо» «асарида инсон муаммоси.....	146
Турдиматова И.Г. Суицид – глобал муаммо сифатида.....	151
Очилов Ж.А. Глобал техноген цивилизациянинг гуманистик моҳияти.....	156
Алимова Г.Б. Ахборотлашган жамиятда журналистиканинг ўзгариши, конвергенцияси ва сиёсий-ижтимоий, маданий ҳаётда тутган ўрни.....	160
Эргашев Ш.Х. Меҳнат шартномаси – ходим ҳуқуқларининг ишончли ҳимояси.....	165
• <b>TARIXSHUNOSLIK</b>	
Ҳайитов Ш.А., Орзиев М.З., Иноятов М.Б. Бухоро қорақўлининг жаҳоний шухрати тарихий манбалар талқинида («туркистон тўплами» мисолида).....	171
Ҳамроев А.Ҳ., Раҳмонова М.А. Унутилган тарих (ёхуд олийгоҳ ташкилотчиси Каримжон Ваҳобов ҳақида).....	175
• <b>IQTISODIYOT</b>	
Ҳамроев Ҳ.Р. Ўзбекистонда иқтисодий либераллаштириш йўлларида бири тўғрисида.....	181
Qayimova Z.A. Bank tizimi barqarorligini oshirishning dolzarb masalalari.....	186
• <b>PEDAGOGIKA</b>	
Турсунметов К.А., Шералиев С.С. Физпрактикумда анъанавий ва ноанъанавий методларнинг аналитик таҳлили.....	191
Қодиров Р.Х., Музафарова Ф.Б. Циклик спорт турларида хос ишчанлик ва махсус чидамлик ўлчовлари тўғрисида.....	196
Yodgorov N.J., Shukurov A.R. Chizmachilik fanining rivojlanish va o'qitilish tarixi haqida.....	200
Абдуллаев М.Ж., Нарзуллаев Ф.А. Инновационные технологии в педагогике физической культуры и спорта.....	204
Mattiyev I.B. Salomatlikni asrashga yo`naltilgan tafakkurni shakllantirish – davr talabi.....	208
Саидов И.И. Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия дарсларини соғломлаштиришга йўналтириш методикаси.....	213
Tursunova O.F., Boltayeva Sh.A. Ona tili darslarida o'quv lug'atlaridan foydalanish imkoniyatlari.....	219
Халимов М.К. Муҳандислик графикаси фанидан талабанинг ўзлаштирган билимини кўникма ва малакага айлантириш.....	224
• <b>SAN'ATSHUNOSLIK</b>	
Бойметов Б.Б., Азимов С.С., Азимова М.Б. Тасвирий санъат соҳасида мактаб яратган устоз.....	228
• <b>QUTLOV</b>	
Қувватова Д.Ҳ.....	234
Фан олимпиадаси республика босқичи голиблари.....	236
• <b>E'LON</b>	
«Бухоро давлат университети илмий ахбороти» журналида мақола эълон қилиш талаб ва шартлари.....	237-238

ЎЗБЕКИСТОНДА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИДАН БИРИ  
ТЎҒРИСИДА

Ҳамроев Ҳалим Розикович

БухДУ Туризм кафедраси мудири, доцент

**Таянч сўзлар:** эркин иқтисодий ҳудуд, либераллаштириш, зонал сиёсат.

**Ключевые слова:** свободные экономические зоны, либерализация, зональная политика.

**Key words:** free economic zone, liberalization, zonal policy.

Мақолада иқтисодиётни либераллаштиришнинг назарий асослари кўриб чиқилган. Эркин иқтисодий ҳудуд институти иқтисодиётни либераллаштиришнинг яқин кўриги эканлиги исбот қилиб берилди. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудлар яратишнинг муаммолари ва қийинчиликлари кўриб чиқилади. Бу сиёсатни амалга оширишнинг амалий чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.

В статье рассмотрены теоретические основы либерализации экономики. Доказывается, что институт свободной экономической зоны является одним из важнейших рычагов экономической либерализации. Рассматриваются проблемы и трудности в создании свободных экономических зон в Узбекистане. Разработаны практические меры по претворению этой политики в жизнь.

The article deals with the theoretical bases of liberalization of economics. It was proved that free economical region institute was very important in liberalization of economy. The problems and difficulties of creating free economical zones in Uzbekistan are considered in the article. Practical measures for implementing this policy into life have been worked out.

Ўзбекистон тоталитар иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига қараб ўтиб борар экан, кўп йилларда бу жараён янги босқичга чиқаётганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бу жараённинг ўзига хос хусусияти шундаки, бозор механизмлари яхши ишлаб кетиши билан иқтисодиётни (жамиятни ҳам) янада эркинлаштириш зарурияти яққол сезилмоқда. Бошқача айтиладиган бўлсак, Ўзбекистон учун иқтисодиётни либераллаштириш давр келиб, фақат иқтисодиётни либераллаштириб, халқимиз учун янада фаровон ҳаётни яшашга беришимиз мумкин. Чунки, Фрэнсис Фукуяма айтганидек, ҳозирги замонда либерализм ўрнини боса оладиган яшовчан бошқа альтернатив йўқ [3]. Буни Президент И.А. Каримовнинг кейинги йилларда уч нарсани ривожлантиришга катта эътибор бераётганлигидан ҳам кўришимиз мумкин [1]:

а) сиёсатда - эркин либерал тадбиркорлар партиясини ташкил этиш ҳаракати;

б) бошқарувда - маҳаллий бошқариш органлари, ўз-ўзини бошқариш органларини янада яқинлаштириш;

в) иқтисодиётда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдан ташқил.

Ҳаммо, бу жараённи янада тезлаштиришнинг жаҳон тажрибаси исбот қилган, БМТ таъбиридан тан олиниб эътироф этилган йўлларида яна бири эркин иқтисодий ҳудудларни ташкил этиш ҳисобланади. Эркин иқтисодий ҳудудларнинг аҳамияти кўпгина мамлакатдаги иқтисодий муҳит либераллашувига жуда кучли таъсир этади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудлар яратиш ўзининг бошланғич босқичида, биринчи қадамлар эндигина ташланмоқда. Навоий, Жиззах ва Ангрэн вилоятларида эркин иқтисодий ҳудудлар борган сари ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудлар хорижий капитал (ноу-хау, ишлаб чиқаришни ташкил қилишни илғор усуллари, замонавий илғор техника ва технология, менежмент) билан таъминланган хом-ашё, меҳнат ва илмий-техник ресурслар қўшилишининг энг оптимал шартларини яратиши мумкин. Эркин иқтисодий ҳудуд савдо, ишлаб-чиқариш, молиявий, технологик ва инновацияларнинг ўта концентрациялашган ўчоғидир. Бу ўчоқ ўзига хос молиявий, маънавий, солиқ, божхона, валюта тартибини ўзида мужассамлаштиради. Бу ҳудуд

мамлакатнинг бошқа иқтисодий майдонига нисбатан анча эркинлиги билан, давлатнинг кам аралashi билан фарқ қилади. Бу ҳудудларни яратиш, уларнинг яхши фаолият юритиши учун эса, албатта, пухта ўйланган сиёсат керак.

Биз эркин иқтисодий ҳудуднинг энг муҳим белгиси эркинлик деб ҳисоблаймиз. Танлаш эркинлиги, фаолият эркинлиги, фикрлаш эркинлиги – философлар, олимухона иқтисодчилар, сиёсатчилар асрлар давомида бош қотириб келаётган масалалардир. Эркинлик учун дарё-дарё қонлар тўкилган, урушлар олиб борилган ва олиб борилмоқда. Эркинлик тўғрисида том-том асарлар ёзилган, чексиз мулоқотлар олиб борилган ва олиб борилмоқда. Эркинлик тушунчаси инсон ҳаётида, шу жумладан унинг ҳаракатларида жуда ҳам зиддиятлидир. Соф эркинлик ва соф “ноэркинлик” ҳолатлар бўлиши мумкин эмас. Эркинлик қандайдир ноэркинлик (қоида, қонун, мажбурият) элементлари билан бирга бўлади. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, эркин иқтисодий ҳудуд «эркинлиги» товарлар учун божхона божидан, импортнинг солиғидан, бошқа турдаги молиявий назорат турларидан озод қилиниш деганидир. Аммо, иқтисодий чиқариш, ижтимоий соҳа, жисмоний ва юридик шахслардан олинadиган бошқа турдаги солиқлар, аτροφ-муҳит муҳофазаси ва хавфсизлиги кабиларга тегишли бўлган бошқа қонун, йўриқнома ва қоидалар ушбу ҳудудларда тўлиқ амал қилади. Бундан ташқари эркинлик шароитида инглиз олими Ротбард айтганидек, ҳамма ютади, давлат ҳокимият ҳукмронлик қилadиган шароитда эса айрим кишилар бошқа бирсезим ҳисобидан ютади, холос [2].

Иқтисодий тараққиёт учун иқтисодий эркинлик, биринчи навбатда, тадбиркорлик фаолияти эркин бўлиши ўта муҳимдир. Тоталитар жамиятдан тўла халос бўлмаган ҳозирги ўтиш даврида республикада (тақиқлар, чеклашлар, ман этишлар, руҳий беришлар ҳал бўлган даврда) иқтисодиётда танлаш эркинлиги, фаолият эркинлиги муҳим аҳамият касб этади. Бунда Хайекнинг куйидаги сўзларини келтириш ўринлидир: “Эркинлик самарадорлик билан тўғридан-тўғри боғланган, иқтисодиёт қанчалик эркин бўлса, кишиларнинг ижодкорлиги шунчалик кўп иқтисодий кашфиётларни амалга оширади” [4]. Айрим масалаларда озгина имкониятлар, эркинликлар ҳам иқтисодий тараққиётни жадаллаштириб юбориши мумкин (бунга Хитойдаги Шэньчжэнь, Шаньто, Чжухай, Хайнань каби эркин иқтисодий ҳудудлари қисқа вақт ичида эришган ютуқлардан яққол мисол бўла олади). Хуллас, ҳозирги замон тараққиёти шундан далолат берадики, эркинлик бўлмаса, мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши бўлмайди.

Эркин иқтисодий ҳудуд яратиш концепциясида тадбиркорлик тизими фаолиятининг куйидаги оптимал шароитлари тўғрисидаги тушунчалар узвий равишда асос қилинган:

- ❖ хўжалик фаолиятини минимал равишда регламентлаш;
  - ❖ божхона тўсиқларини минимумга келтириш;
  - ❖ экспорт-импортда чеклашлар йўқлиги ёки камлиги;
  - ❖ минимал валюта назорати;
  - ❖ инсофли, минимал солиқ солиш;
  - ❖ суғурталаш эркинлиги, имтиёзлилиги;
  - ❖ баҳо белгилаш эркинлиги;
  - ❖ кредит тизимининг имтиёзлилиги, қулайлиги;
  - ❖ персонални ишга олиш ва бўшатиш масалаларида тадбиркорнинг эркинлиги.
- Эркинлик, шу жумладан, ресурслар билан маневр қилиш эркинлигининг юқори даражадалиги нафақат эркин иқтисодий ҳудуд чегарасида, балки ундан ташқарида ҳам тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб бориш учун кенг диапазонда рағбатларни бериш қобилиятига эга. Бу каби эркинликларни бутун мамлакат миқёсида бирданди бериб бўлмайди. Бунинг икки муҳим сабаби бор:
- ✓ бутун хўжалик механизмини мамлакат миқёсида тартибга солишни йўқлиги имконияти мавжудлиги;
  - ✓ жамиятда мавжуд кўпгина институтларнинг инертлиги, консервативлиги.
- Шунинг учун ҳам давлат эркинлик бериш масаласида қайси соҳа, тармоқ ёки ҳудудга берилишини аниқлаб олиб, кейин имтиёзлар ва енгилликларни бериши керак.

Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудлар тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг бозор механизмларини синаш полигонига айланиши зарур, ҳудудни ривожлантириш, солиқ тизимини такомиллаштириш, хорижий ҳамкорлар билан ўзаро таъсирни ўрганиш лабораторияси бўлмоғи зарур.

Хорижий тажриба яна шуни кўрсатадики, кейинги пайтларда эркин иқтисодий ҳудуд ривожланишида кичик ва ўрта бизнеснинг роли тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун уларни махсус имтиёзлар билан ҳудудга жалб қилиш мақсадга мувофиқдир. Йирик трансмиллий корпорацияларнинг у ёки бу мамлакатда инвестиция киритиши учун махсус имтиёзларга унчалик муҳтожлиги йўқ. Бундан ташқари, уларнинг кўпчилиги секинроқ, шошилмасдан фаолият юритишни маъқул кўради. Кичик корхоналар эса аксинча, маневрли бўлиб, хўжалик юритиш ва бозор талабининг ўзгаришига тезгина мослаша олади. Эркин иқтисодий ҳудудга нафақат хорижий, балки маҳаллий кичик ва ўрта бизнес жалб қилиниши оқибатида ҳудуднинг анклавлик (биқиқлик) характери кемайди, миллий иқтисодиётга интеграциялашуви осонлашади.

Ўзбекистон ҳукумати эркин иқтисодий ҳудудлар яратишга қаратилган махсус сиёсатни ишлаб чиқиши ва олиб бориши зарур. Бу сиёсатни зонал сиёсат деб номлаш мумкин. Зонал сиёсат – бу мамлакатда ЭИХларни яратиш бўйича ҳамда регион, тармоқ, соҳа ва алоҳида корхоналарнинг потенциалини чуқур ўрганиб, ушбу потенциални реализация қилиш тизимини ишлаб чиқиш бўйича давлатнинг олиб борадиган чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, унга мамлакатда шаклланган меҳнат тақсимотининг самарали ривожланишини режалаштиришнинг бир қуроли, деб қараш мумкин. Мамлакатда мавжуд ресурсларни самарасиз ишлатаётган соҳа, тармоқ ва регионлардан жуда самарали ишлатиб бўладиган соҳа, тармоқ, регионга оқишига йўналтирувчи восита деб қараш зарур.

Ўзбекистон каби собиқ социалистик мамлакатларга келадиган бўлсак, бу жамиятлар нафақат узоқ вақт тоталитар тизимда яшаган, балки тоталитаризмнинг кўч қўриқлари билан кўринишларидан бири бўлган социализмни бошидан кечирган, оқибатда эркинлик инстинктлари анча сусайиб қолган. Шунинг учун жамиятни, шу жумладан, иқтисодиётни либераллаштириш осонлик билан, силлиққина, қаршиликсиз, курашсиз кечмайди. Жамият ҳаётини либераллаштиришда синалган қуролининг (шу жумладан, эркин иқтисодий ҳудудлар) ишлашига шароит яратиш, унинг ижобий ютуқларини бутун жамиятга тарқатиш, мамлакатнинг қайси ҳудудида, қайси соҳа ва тармоғида либераллаштиришнинг қай бир унсурини киритишни аниқлаш транзитар давлатлар учун муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Эркинлик муҳитида яшашни ўргатиш учун бу масалалар билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга қаратилган давлат сиёсатини “эркинлаштириш сиёсати” деб номласа бўлади, аммо эркинлаштириш жуда кенг қамровли тушунча ва ўз ичига иқтисодиётдан ташқари қўллаб-қирраларни (масалан, сиёсатни эркинлаштириш, диний эркинлик ва б.) ҳам олади. Биз ўз эътиборимизни бу жараённинг фақат иқтисодий жабҳаларига қаратамиз.

Албатта, либерализация эркинлашиш тарзида содир бўладиган жараёндир, аммо бу давлат томонидан керакли йўналишга, суръатга кўчириш мумкин. Ривожланган давлатларда кейинги икки-уч аср давомида либерализация жараёни ҳеч бўлмаганда кучлироқ ва кучлироқ тарзда содир бўлмоқда, шунинг учун бу давлатларда либерализация муаммоларини ечишга қаратилган махсус сиёсатга эҳтиёж нисбатан кўпроқ. Аммо, иқтисодий тараққиётдан нисбатан орқада қолган ва ўз ривожланиш имкониятини анча бой бериб қўйган транзитар давлатларда бу жараёнларни ривожлантириш ҳамда вақт жиҳатдан ютиш учун махсус эркинлаштириш сиёсатига кучли эҳтиёж сезилади. Шунинг учун ҳам уларга эркинлаштириш сиёсати зарурдир. Эркинлаштириш сиёсати жамиятни, шу жумладан, иқтисодиётни либераллаштириш жараёнини глобал тарзда, яъни мамлакат миқёсида олиб боришда аниқ тартиб билан амалга оширишдан, шу билан бирга, қайси тармоқда, қайси соҳа ва регионда қай тарз, қай вақт ва қай йўсинда либераллаштириш жараёнини олиб боришни аниқлашдан иборат. Чунки, жуда мураккаб жараён бўлган либераллаштириш бир акт билан ҳамма

жой ва соҳада бир тарзда боради, деб ўйлаш нотўғридир. Эркинлаштириш жараёнини бутун мамлакатда, унинг барча тармоқ ва регионларида бир вақтнинг ўзида амалга ошириб бўлмайди. Ҳатто, кичик бир давлатда ҳам. Бу занжирли реакцияга ўқидики айримлар бошлашади, ижобий ўзаришлар бошқа соҳа, тармоқ ва регионларга касби аста тарқалади ва охири бутун мамлакатни қамраб олади. Шунинг учун умумий стратегияда айрим регион ва тармоқларга куч ҳамда маблағни концентрация қилиш мақсадга мувофиқдир. Мақсад - илгариланган регионларнинг ҳокимият органлари, асосан ва тадбиркорлари ўзларининг келажакларини кўра олсинлар. Шунда улар ўз мақсадларини рўёбга чиқаришнинг йўлини топадилар, ҳокимият эса фақатгина йўналтиради, холос.

Ўзбекистон ҳукумати эркин иқтисодий ҳудудлар яратиш борасида давлат сиёсатини олиб борар экан, қуйидаги муҳим, интеграл мақсадларни қўйиши мақбулдир:

- халқ фаровонлигини ошириш;
- миллий технологияларга нисбатан илғор технологияларни иқтисодиётга келтириш қилиш;
- хорижий капитални жалб қилиш йўли билан регионлар ҳамда бутун мамлакат иқтисодиёти ривожланишини жадаллаштириш;
- ички истеъмол бозорини бойитиш;
- бандлик даражасини ошириш;
- иш кучи сифатини яхшилаш;
- иқтисодиётни тартибга макро- ва мезо- даражада тартибга солиш ҳамда микро- даражада, яъни корхонани бошқаришда жаҳон тажрибасига эга бўлиш.

Республикада ҳукуратимиз олиб бориши зарур бўлган зоналар сиёсатини функционал юқини ошириш ва унинг мақомини кўтариш Ўзбекистоннинг қўшни даврдаги қуйидаги муҳим муаммоларини ҳал қилишга ёки юмшатишга ёрдам беради:

- ❖ мамлакатимиз иқтисодиёти таркибини ҳозирги замон жаҳон иқтисодиётининг талабларига мослаштирган ҳолда қайта қуришда маблағ етишмаслиги;
- ❖ инвестиция муҳитини бутун мамлакатда бирданига яхшилашнинг оғирлиги;
- ❖ Ўзбекистондек нисбатан катта (30 млн аҳолиси бўлган) ва миллий иқтисодий тўла шаклланмаган мамлакатда (эркин иқтисодий ҳудуд сингари кичик мамлакат олиб бориладиган либераллаштиришдек) глобал либераллаштиришнинг амалга ошириш қийинлиги ва жуда хавфлилиги;
- ❖ регионлар, тармоқлар, соҳалар ва корхоналарга аниқ бир тизимсиз ва мақсадсиз имтиёزلарни тарқатиб бериб юборилиш хавфи;
- ❖ регионал, илмий-техник ва бошқа сиёсатлар самарадорлигини кўтариш ва йўналтириш.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўзининг ҳудудлар яратиш борасидаги сиёсатини олиб боришда, фикримизча, биринчилардан қилиниши зарур бўлган қуйидагилардир:

- эркин иқтисодий ҳудудлар борасида аниқ, ишловчан, ҳам давлат манфаатларини ҳам регион манфаатларини ҳисобга олган концепцияни ишлаб чиқиш зарур;
- эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил этишни ва фаолиятини тартибга солиш норматив-ҳуқуқий базани яратиш зарур;
- марказий бюджетдан ҳудуд инфраструктурасини яратиш учун етарли маблағ ресурсларни ажрата олиш имконияти ва хоҳиши бўлиши керак;
- мамлакат миқёсида бутун эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини тартибга солишчи ва координация қилувчи махсус бошқариш органини ташкил этиш керак.

Ушбу сиёсат қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- ҳудудни ва унинг алоҳида бозорларидаги иқтисодий тизимларнинг барқарорлигини таъминлаш;
- тарафлар (эркин иқтисодий ҳудуднинг бошқарув аппарати, хорижий инвесторлар, миллий тадбиркорлар, маҳаллий аҳоли, давлат аппарати) манфаатлари ўзарасида таъминлаш;

капиталнинг оқиб келиши учун (биринчи навбатда, тўғридан-тўғри инвестиция шаклида) шароит яратиш;

- эркин иқтисодий ҳудудда хорижий инвесторларнинг самарали фаолият юритишини таъминлаш;
- эркин иқтисодий ҳудудда содир бўлаётган иқтисодий жараёнларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш.

Ўзбекистонда зонал сиёсатни юргизишда, бизнинг фикримизча, қуйидагиларни амалга ошириш ёки инobatга олиш, ёхуд эътибор бериш керак:

1. Мамлакатда барча эркин иқтисодий ҳудудлар учун ягона, соддалаштирилган, унификациялаштирилган ташкилий структурадан фойдаланиш мумкин эмас. Ҳар бир эркин иқтисодий ҳудуднинг ўзига хос мақсадлари, вазифалари, ҳажми, жойлашган ўрни, марказ ва регион билан ўзаро таъсир характери ҳисобга олинishi шарт. Бундан шундай хулоса чиқадики, марказий ҳукумат томонидан эркин иқтисодий ҳудудларнинг шакли, унда бўлган имтиёзларнинг тури каби масалаларда шаблон тариқасида умумий сиёсатмалар камроқ бўлиши керак. Зонал сиёсат борасида, эркин иқтисодий ҳудудлар яратиш борасида маҳаллий ҳукуматлар ва эркин иқтисодий ҳудудларнинг бошқарув органларига ижод қилиш учун кенг имконият яратиб бериш керак.

2. Инвесторларга аниқ бир муддатга реал имтиёзлар берилиши керак (солиқ имтиёзлари, “солиқ таътиллари”, божхона имтиёзлари ва преференслари, хорижий инвесторлар учун соддалаштирилган виза тартиби, имтиёзли ижара ёки кўчмас мулк эгиб олиш тартиби, фойдани эркин олиб чиқиб кетиш ва б.).

3. Эркин иқтисодий ҳудуд ташкил этиш тўғрисидаги қарор, лойиҳалаштириш ва техник-иқтисодий асослашлар мутасадди кишилар томонидан чуқур таҳлил қилинган ҳолда, танлов йўли билан ҳамда экспертизадан ўтказилгандан сўнггина қабул қилиниши керак. Эркин иқтисодий ҳудуд яратиш лойиҳаси регионал ва умумдавлат манфаатлари уйғунлиги таъминлаб берилган тақдирдагина ижобий баҳоланиб, эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этишга рухсат берилиши керак.

4. Эркин иқтисодий ҳудуд яратиш гоёси маҳаллий ва марказий ҳукумат, маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар томонидан қўллаб-қувватланиши ҳамда улар капитал, маҳсулот ва бошқа шаклда фаол кўмаклашишга тайёр бўлиши керак.

5. Эркин иқтисодий ҳудуд ўз-ўзидан ривожланувчи, ўз-ўзини тартибга солувчи, ўз-ўзини ташкил этувчи, ўз-ўзини тозаловчи мураккаб тизимдир. Шунинг учун амалиётда бу тенденцияларга қарши қилинадиган ҳар қандай ҳаракат, чора-тадбир, сиёсат амаллари ҳам бермайди, унинг тараққиётига фақат зарар келтиради. Эркин иқтисодий ҳудуд каби тузилмаларда ўз-ўзидан ривожланиш, ўз-ўзини тартибга солиш, ўз-ўзини тозалаш ва ўз-ўзини ташкил этиш қобилиятини ривожлантириш жуда муҳимдир. Давлат сиёсатида буни инobatга олган ҳолда зонал сиёсатни юритиш зарур.

6. Зонал сиёсат бобида тажриба бўлмаганлиги учун бу борада катта тажрибага эга давлатлар тажрибасини чуқур ўрганишга катта эътиборни қаратиш керак. «Белоснепедни қайта ихтиро қилиш» керак эмас. Биз ўтмоқчи бўлган йўлни қачонлардир башка давлатлар босиб ўтган. Биз ҳал қилмоқчи бўлган муаммоларни ҳал қилишни башка давлатларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди. Бу масалада Ўзбекистонга, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Ирландия, Венгрия каби давлатларнинг тажрибаси керакдир, деб ҳисоблаймиз.

7. Инвестицияни киритишда инвестициянинг мультипликатори юқори бўлган тармоқларга биринчи навбатда шароит яратиш керак. Бунинг учун аввало инвестициянинг мультипликатори юқори тармоқларни аниқлаб чиқиш керак, сўнгра уларга имтиёзлар таъминини жорий қилиш керак. Туризм Ўзбекистон учун худди шундай тармоқлардан биридир, деб ўйлаймиз.

8. Мулкчилик муносабатлари масаласида зонал сиёсат юргизаётганда “давлат – ҳўжайин эмас” деган аксиомани эсдан чиқармаслигимиз керак, яъни эркин иқтисодий ҳудудда давлат эмас, балки хусусий бизнес ҳукмронлик қилиши керак. Давлат борича давлат мулкчини минимумга келтириш, хусусий ташаббусга кенг йўл кўрсатиш керак. Бу ўринда инглиз олими Ротбарднинг бир цитата (кўчирма)сини келтириш

Ўринлидир: «Давлат мулки ҳажми қанча катта бўлса, жамиятнинг иқтисодий йўқотиши шунча катта бўлади» [2].

Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудлар яратиш имкониятларини таҳлил қилган унинг қатор устунликлари борлигини ҳам кўрамиз. Уларнинг ичида энг аҳамиятlisi қуйидагилардир:

- ❖ нисбатан арзон хом-ашё ва энергия ресурслари;
- ❖ нисбатан малакали ва анча арзон иш кучи ресурслари;
- ❖ айрим соҳаларда илмий потенциалнинг юқорилиги;
- ❖ туризм, қишлоқ хўжалиги ва айрим бошқа соҳаларни ривожлантиришда катта потенциалнинг мавжудлиги;
- ❖ юқори малакали, аммо арзон олим ва мутахассисларнинг борлиги.

Хулоса қилиб айтганда, республикамызда иқтисодиётни жадалроқ ва тезроқ либераллаштириш учун эркин иқтисодий ҳудуд институтидан кенг қўланиш фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

#### АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 327 б.
2. Ротбард М. Власть и рынок. Государство и экономика: Пер. с англ. Пинкера Б.С. Под ред. Сапова Г.Р. – Челябинск: Социум, 2003. – 415 с.
3. Francis Fukuyama. The End of History. – 1991. – 23 p.
4. Хайек Ф. Частные деньги: Пер. с англ. Верпаховского Б. – М.: Экономика, 1996. – 101 с.

#### BANK TIZIMI BARQARORLIGINI OSHIRISHNING DOLZARB MASALALARI

**Qayimova Zumrad Abdullayevna**

*BuxDU Iqtisodiyot kafedراسи katta o`qituvchisi*

**Tayanch so`zlar:** bank, islohot, tamoyil, reyting baholash, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik, mikrokreditlar.

**Ключевые слова:** банк, реформа, принципы, рейтинговая оценка, малый бизнес, частное предпринимательство, микрокредиты.

**Key words:** bank, reforms, principles, rating assessment, small business and private entrepreneurship, microcredits.

*Ushbu maqolada bank-moliya tizimidagi iqtisodiy islohotlar va amalga oshirilgan natijasi tahlil qilingan.*

*В статье дана оценка банковско-финансовой системы и приоритетных направлений экономических реформ.*

*The article deals with the economical reforms in the system of banking and finance and the results of them.*

Respublikamizda istiqlol yillarida amalga oshirilgan tizimli islohotlar natijasida bozor iqtisodiyoti talablariga javob beradigan zamonaviy moliya-bank tizimi shakllandi. Ushbu tizim O`zbekiston Respublikasi Prezidenti I.A. Karimov tomonidan belgilab berilgan moliya-bank tizimini isloh qilish tamoyillari va yo`nalishlari asosida barpo etildi.

Milliy bank tizimining barqarorligini ta`minlash mamlakat iqtisodiyotining barqaror sur`atlarini ta`minlashning zaruriy sharti hisoblanadi. Shu sababli, O`zbekiston Respublikasi iqtisodiyotini isloh qilish va erkinlashtirish jarayonlarida mamlakat bank tizimining barqarorligini ta`minlashga ustuvor vazifa sifatida qarab kelindi va kelinmoqda. Natijada respublikamizda bozor munosabatlari tamoyillari va talablariga javob bera oladigan bank tizimini shakllantirishga muvaffaq bo`lindi.